



278 -son

«28» «май» 2020 yil

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2020 йил 22 майдаги
459-сонли қарори ижроси тўғрисида

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2020 йил 22 майдаги “Тошкент шаҳар иқтисодиёт тармоқлари, уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини 2020-2021 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш тўғрисида”ги 459-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2020 йил 22 майдаги 459-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Тошкент шаҳар ҳокимининг мазкур қарорига мувофиқ 2020-2021 йиллар учун қуйидагилар:

Тошкент шаҳар иқтисодиёт тармоқларини куз қиш мавсумига тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар режаси;

Тошкент шаҳридаги кўп квартирали уй-жой фондини куз-қиш мавсумига тайёрлаш дастурига асосан тижорат банклари томонидан ажратилиши кўзда тутилган (режалаштирилган) имтиёзли кредит маблағларининг манзилли режаси;

кўп квартирали уй-жой фондини куз-қиш мавсумига тайёрлаш режаси;
кўп қаватли уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларининг иссиқлик бўғинларини профилактик таъмирлаш, иситиш тизимларини босим остида ювиш ва торайтирувчи мосламалар ўрнатиш режа-жадвали;

Тошкент шаҳрида кўп квартирали уй-жой фондини ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш, уларнинг умумфойдаланиш жойларини тартибга келтириш, лифтларини соз ҳолатига сақлаш, маҳаллалар худудида санитар тозаликни таъминлаш ҳамда ободонлаштириш ишларини ташкил этиш бўйича шаҳар ишчи гуруҳ таркиби;

Тошкент шаҳар асосий турдаги ёқилғи-энергетика ресурсларини ўз вақтида етарли миқдорда етказиб бериш, электр, иссиқлик, табиий газ таъминоти объектларида ишларни ташкил этиш бўйича шаҳар ишчи гуруҳ таркиби;

куз-қиш мавсумини беталофат ўтказиш, содир бўлиши мумкин бўлган авариявий ҳолатларни тезкорлик билан бартараф этиш ва унинг учун етарли миқдорда материаллар захирасини яратиш мақсадида, туманларнинг ташкил этилиши лозим бўлган моддий-техник захирасининг рўйхати тасдиқланганлиги инобатга олинсин.

3. Учтепа туман иқтисодиёт тармоқларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар режаси 1-иловага, кўп квартирали уй-жой фондини куз-қиш мавсумига тайёрлаш режаси 2-иловага, кўп квартирали уй-жой фондини ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш, уларнинг умумфойдаланиш жойларини тартибга келтириш, лифтларини соз ҳолатига сақлаш, маҳаллалар ҳудудида санитар тозаликни таъминлаш ҳамда ободонлаштириш ишларини ташкил этиш бўйича туман ишчи гуруҳ таркиби 3-иловага, асосий турдаги ёқилғи-энергетика ресурсларини ўз вақтида етарли миқдорда етказиб бериш, электр, иссиқлик, табиий газ таъминоти объектларида ишларни ташкил этиш бўйича шаҳар ишчи гуруҳ таркиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Хужанов), туман ҳокимининг ўринбосарлари (Л.Алманов, Б.Мирзаев), коммунал хизмати кўрсатиш корхоналари ва ижтимоий соҳа объектлари раҳбарига:

2020-2021 йиллар куз-қиш мавсумини беталофат ўтказиш, содир бўлиши мумкин бўлган аварияларни тезкорлик билан бартараф этиш ва асосий турдаги ёқилғи-энергетика ресурсларини ўз вақтида етарли миқдорда етказиб бериш ҳамда Дастурда белгиланган чора-тадбирлар бўйича белгиланган ишлар ўз вақтида, сифатли ва самарали ташкил этилсин;

кўп квартирали уй-жойлар, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишлари 2020 йил 15 сентябрь кунига қадар яқунлаш чоралари кўрилсин ва 2020 йил 1 октябрь кунига қадар жамоатчилик далолатномалари расмийлаштирилиб, куз-қиш мавсумига тайёрлиги тўғрисида қафолат хатлари тақдим этилсин.

5. Туман ҳокимининг ўринбосари (Л.Алманов):

ҳудудларга бириктирилган сектор (округ) ва тижорат банклари томонидан куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш, уни беталофат ўтказиш бўйича Дастур ва тармоқлар чора-тадбирларининг ижроси ҳаққонийлиги юзасидан доимий мониторинг назорати ўрнатилсин;

тижорат банклари томонидан ажратилган кредит маблағлари ҳамда амалга оширилган ишларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида секторлар кесимида танқидий таҳлил қилиб борилсин;

куз-қиш мавсумини беталофат ўтказиш, содир бўлиши мумкин бўлган авариявий ҳолатларни тезкорлик билан бартараф этиш ва унинг учун етарли миқдорда материаллар захираси ташкил этилсин;

кўп квартиралли уй-жой бошқарувчи ташкилотларни молиявий соғломлаштириш мақсадида, маҳаллий бюджетнинг ортириб бажарилган қисмидан кўп квартиралли уйларни бошқарувчи ташкилотлар томонидан ўз вақтида қайтарилмай қолган кредит маблағларини қоплаш ва 2020-2021 йилларда куз-қиш мавсумини беталофат ўтказиш Дастуридан ташқари аниқланадиган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилинсин.

6. Тумандаги тижорат банклари:

Тошкент шаҳрида кўп квартиралли уй-жой фондининг муҳандислик коммуникациялари ва умумий фойдаланиладиган жойларни ўз вақтида сифатли таъмирлаш, шунингдек, кўп квартиралли уй-жой фондига туташ худудларни ободонлаштириш мақсадида режалаштирилган кредит маблағлари ўз вақтида ажратилиши таъминлансин ҳамда мақсадли фойдаланиши назоратга олинсин;


кўп квартиралли уйларни бошқарувчи ташкилотларнинг дебитор қарздорликларини кескин камайтириш юзасидан банк “дублёр”лари тизимли жалб қилинсин;

2013-2019 йилларда ажратилган кредитларни қайта таҳлилдан ўтказиб, унда бошқарувчи ташкилотларни соғломлаштириш мақсадида кредитлар муддатларини қайта кўриб чиқиш чоралари кўрилинсин.

7. Амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар режаларига асосан ҳисоб-китоблар бўйича Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан келишилган ҳолда ўзгартирилиши мумкинлиги инобатга олинсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Хужанов ва туман ҳокимининг ўринбосарлари Л.Алманов, Б.Мирзаев зиммаларига юклатилсин.

Учтепа тумани ҳокими



Ф.Абдуллаев

**Учтепа туманида иқтисодиёт тармоқларини 2020-2021 йиллар куз-қиш
масумига тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар режаси**

№	Тадбирлар номи	Ўлчов бирлиги	Йиллик режа
1	"Сувсоз" ДУК		
1	Эскирган сув тармоқларини капитал таъмирлаш	п/м	2 080
2	Катта сув тармоқларини жорий таъмирлаш, қишки мавсум режимига ўтказиш	км	10,1
3	Шаҳар сув тармоқларини носоз холдаги сув олиш гидрантларини алмаштириш	дона	11
4	Носоз ёлқичларни (задвижка) алмаштириш	дона	21
5	Носозликдан сўнг жойларга асфальт қопламасини қоплаш	м2	700
6	Ичимлик сув қудугига люк обойма ўрнатиш	дона	18
7	Оқава сув тармоқларини жорий таъмирлаш	п/м	57 488
8	Эскирган насосагрегатларини ГРУНДФОС компаниясининг замонвий агрегатларига алмаштириш	дона	6
9	Эскирган оқава сув тармоқларини капитал таъмирлаш	п/м	140
10	Оқава сув қудугига люк обойма ўрнатиш	дона	40
2	"Иссиқлик маркази" ДУК		
1	Қозонларни мукамал таъмирлаш	дона	-
2	Қозонларни жорий таъмирлаш	дона	67
3	Бино ва иншоотларни таъмирлаш	дона	1
4	Эскирган иссиқлик қувурларини алмаштириш	км қувур	3,49
5	Иссиқлик қувурларини жорий таъмирлаш	км канал	3,49
6	Иссиқлик изоляциясини қайта тиклаш	км қувур	19,8
7	Насос станцияларини мукамал таъмирлаш	дона	0
8	Насос станцияларини жорий таъмирлаш	дона	6
9	Задвижкаларни алмаштириш ва таъмирлаш	дона	478

	Тадбирлар номи	Ўлчов бирлиги	Йиллик режа
10	Ҳаводан ўтган иссиқлик қувурларнинг устунларини бўяш	тн	404
11	Бошқарма худудидаги ёритгичларни янги замонавий энерготежамкор ёритгичларга алмаштириш	дона	12
12	Иссиқлик ҳисоблаш пунктларини таъмирлаш	тн	0
3	"Туманнур" ДУК		
1	ИПНО ДУ қутиларини таъмирлаш (тармогисиз)	дона	26
2	ИПНО ДУ қутиларини тармоғи билан таъмирлаш	дона	35
3	Ҳаво симларини СИП кабелларга алмаштириш	км	15
4	Ҳаво симларини профилактик таъмирлаш	км	8,5
5	Кабел тармоқларини профилактик таъмирлаш	км	2,7
6	Ёритиш ускуналарини профилактик таъмирлаш	дона	350
7	Кронштейнларни профилактик таъмирлаш	дона	380
8	Металл устунли ёритгичларни профилактик таъмирлаш	дона	26
4	"Махсустрас ИЧБ" УК		
1	Чиқинди йиғиш майдончаларини янги қуриш	дона	0
2	Чиқинди йиғиш майдончаларини бузиб қуриш	дона	0
3	Чиқинди йиғиш майдончаларини жорий таъмирлаш	дона	34
4	Янги типдаги модуллар ўрнатиш	дона	0
5	Янги типдаги модуллар таъмирлаш	дона	3
6	Контейнерлар алмаштириш (770 л)	дона	6
7	Контейнерлар алмаштириш (1100 л)	дона	10
8	Автомашиналарни тайёрлаш	дона	25
9	Кимёвий элементлар захирасини яратиш (антифриз)	литр	250
5	"Учтепатумангаз " газ таъминот филиали		
1	Газ қувурларини реконструкция қилиш	км	7
2	Газ қувурларини босим остида зичликка синаш ва ҳаво босими ёрдамида тозалаш	км	7
3	Ер ости газ қувурларини ҳолатини прибор усули билан текшириш	км	100
4	Кранларни таъмирлаш	дона	45

	Тадбирлар номи	Ўлчов бирлиги	Йиллик режа
5	Зулфинларни таъмирлаш	дона	45
6	Ер усти газ қувурларини бўяш	км	7
7	Юқори босимли газ тартиблаш пунктларини (ГТП) техник тафтишдан ўтказиш	дона	18
8	Ўрта босимли (ГТП) техник тафтишдан ўтказиш	дона	226
9	Ўрта босимли (ГТП) бўяш	дона	60
10	Юқори ва ўрта босим (ГТП) ларни янгисига алмаштириш	дона	2
11	Хаво ва тутун мўриларини текшириш	дона	31 985
12	Юқори ва ўрта босимли газ тартиблаш пункт (ГТП) ларни бўяш	дона	78
6	<u>"Электр тармоқлари корхонаси" АЖ</u>		
1	Хаво электр тармоқларини мукамал таъмирлаш	км	37,4
2	Трансформатор пунктларини мукамал таъмирлаш	дона	44,0
3	Трансформатор пунктларини жорий таъмирлаш	дона	98,0
4	Хаво электр тармоқларини жорий таъмирлаш	км	109,6
5	Трансформатор пунктларини Тунги тепловизор кўригидан ўтказиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш	дона	9,0
6	Ўта юкланиш билан ишлаётган трансформаторларни катта қувватлисига алмаштириш	дона	11,0
7	0,4 кВли хаво электртармоқлари янги замонвий СИП русумли тармоқларга алмаштириш	км	11,7
8	0,4-6-10 кВли кабелларни алмаштириш	км	3,2

Кўп квартирали уй-жой фондиди 2020-2021 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш
РЕЖАСИ

№	Чора-тадбирлар номи	Ўлчов бирлиги	Жами иш ҳажми	Жами сарфланадиган маблағ миқдори (минг сўм)	Шундан		
					ХУЖМШ ҳисобидан	Кредит ҳисобидан	Ҳомийлик ҳисобидан
ТУМАН БЎЙИЧА ЖАМИ:				8 989 856	206 584	8 783 272	
1	Том қисмини мукамал таъмирлаш	м2	2 400	288 000		288 000	
	Том қисмини жорий таъмирлаш	м2	29 279	878 370	46 950	831 420	
2	Кириш йўлақларини таъмирлаш	дона	176	972 200		972200	
3	Ертўла қисмидаги муҳандислик коммуникацияларини таъмирлаш	уй сони	45	1 824 960	143 560	1 681 400	
4	Иссиқлик тик қувурларини таъмирлаш	п.м.	17 034	323 646	16 074	307 572	
5	Уйларнинг фасад қисмини таъмирлаш	уй сони	82	4 587 980		4 587 980	
6	Видео кузатув мосламасини ўрнатиш	дона	37	114 700		114 700	